



O'ZBEKISTON
YOSHLAR
ITTIFOQI

2018-YIL 15-MART,
PAYSHANBA

www.yoshlarovozi.uz
E-mail: yoshlarovozi@mail.uz

31
(16188)

O'zbekiston yoshlar ittifoqining ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, adabiy-badiiy gazetasi

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING ҚАРОРИ

БУЮК ҚОЗОҚ ШОИРИ ВА МУТАФАККИРИ АБАЙ ҚҰНОНБОЕВ ИЖОДИЙ МЕРОСИНИ КЕНГ ЎРГАНИШ ВА ТАРҒИБ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Буюк маърифатпарвар шоир ва мутафаккир, эзгулик ва дўстлик куйчиси Абай Қўнонбоевнинг шарафли номи ва бой ижодий мероси нафақат қозоқ халқи, айни пайтда, бутун туркий халқлар, жумладан, ўзбек халқининг ҳам қалбига безавол яшаб келмоқда.

Ўзбекистон ва Қозоғистон давлатлари ўртасидаги ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари янги босқичга кўтарилаётган бугунги кунда Абай Қўнонбоев сингари улўф алломаларнинг ўлмас мероси халқларимиз учун янада муҳим маъно ва аҳамият касб этди.

Абай Қўнонбоевнинг умминсоний қадриятлари ва меҳр-оқибат туйғулари юксак парадларда тараннум этилган етук бадий асарлари, ибратли ҳаёти ва ижтимоий фаолияти билан халқларимиз маданияти ривожига қўшган улкан ҳиссасини инобатга олиб ҳамда ўзаро маданий-гуманитар алоқалар-

ни янада ривожлантириш, эл-юртимизни қозоқ адабиётининг улўф намоянадалари ижоди билан кенг таништириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирилик, Олий ва ўрта махсус таълим вазирилик, Халқ таълими вазирилик, Ташқи ишлар вазирилик, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Фанлар академияси, Республика Мазнавият ва маърифат маркази, Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси ва жамоатчилик вакилларининг халқимизнинг қардош Қозоғистон халқига, унинг бетақдор адабиёти ва маданиятига, ёруғ келажакка бўлган ҳурмати ва ишончининг ёрқин ифодаси сифатида юртимизда буюк қозоқ шоири ва мутафаккири Абай Қўнонбоев ижодий ме-

росини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Буюк қозоқ шоири ва мутафаккири Абай Қўнонбоев ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилишни ташкил қилиш бўйича ташкилий қўмита (кейинги ўринларда Ташкилий қўмита деб аталади) таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ташкилий қўмита бир ой муддатда Абай Қўнонбоев ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш бўйича тегишли чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқсин.

Ушбу чора-тадбирлар режасида: Абай Қўнонбоевнинг "Сайланма" асарини ҳамда "Ўзбек ва қозоқ адабий алоқалари" номли адабий-таҳлилий мақолалар тўпламининг нашрга тайёрлаш ва чоп этиш;

ли доимий экспозицияни ташкил этиш; ҳар йили шоир туғилган 10 август санасида Тошкент шаҳрида ўрнатилган Абай Қўнонбоев ҳайкали пойига гул қўйиш маросими ва мушоира ўтказиш; ўқувчи ва талаба-ёшлар ўртасида "Абай асарларининг билимдони" иншолар кўрик-танловини ўтказиш;

оммавий ахборот воситаларида Абай Қўнонбоев ҳаёти ва ижоди ҳақида туркум кўрсатув ва эшиттиришлар, мақолалар бериб бориш;

Абай Қўнонбоев ҳаёти ва ижоди ҳақида яратилган бадий ва ҳужжатли фильмларни Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси телеканаллари орқали намойиш этиш; мамлакатимиздаги олий ва ўрта махсус, касб-ху-

нар, умумий ўрта таълим муассасалари, ҳарбий қисмлар, меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда таниқли шоир ва ёзувчилар, олимлар иштирокида учрашувлар, адабий кечалар ташкил этиш тадбирлари кўзда тутилсин.

4. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, "Жаҳон" ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига қарор ижроси билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 13 март

TASHABBUS

ДИЛДАН ЧИҚСА
БОШҚАЧА

Наврўзнинг шуқуши бошқача-да. Кундан-кунга чирой очиб бораётган табиатнинг ўзи ғайратингни жўштиради, қалбда ажиб ҳислар уйғотиб, эзгу амалларга чорлайди. Кўнлам айёми олдидан атрофни обод этмоқ халқимизга хос умрбоқий анъанадир. Бугун Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаоллари унга содиқ эканини намоён этмоқда.



Ташкилот ташаббуси билан амалга оширилаётган "Қўлни қўлга берайлик!", "Ҳар бир ёшга бир ниҳол", "Саховат — муқаддас мерос", "Ҳашар — элга ярашар" каби лойиҳалар фикримизни исботлайди. Уларда ўқувчи ва талаба-ёшлар, корхона-ташкilotлар ходимлари, шу билан бирга, Ёшлар иттифоқи тизимидаги барча тузилмалар вакиллари фаол иштирок этмоқда.

Шу кунгача вилоят миқёсида ўтказилган ана шундай хайрли тадбирларга 350 минг нафардан зиёд йигит-қиз жалб этилди. Умумий саъй-ҳаракат билан 968 та қабристон ва зиёратгоҳ

ободонлаштирилди, ўнлаб хонадонлар таъмирланди, қанчалаб ариқ-зовурлар тозаланди, дарахтларга шакл берилиб, оқланди. Ёшлар яхши ният билан 24 минг 890 туп манзарали ҳамда салкам 306 минг туп мевали дарахт ниҳоли, шунингдек, беҳисоб гул кўчатларини эканини айтмайсизми.

Наврўз меҳр-оқибат улашувчи байрам экани билан ҳам элда азиздир. Шу маънода кўнлам айёми олдидан Иттифоқ фаоллари меҳрга муҳтож ҳамюртларимиз, кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексалар ҳолидан хабар олмоқда.

Зулфизар МАВЛОНОВА

ЁШЛАРНИ БИРОДАРЛАШТИРАЁТГАН МАСКАН

Қозоғистон Ўзбекистоннинг энг яқин дўсти ва стратегик ҳамкоридир. Бу икки қардош давлат ўртасида Абайий дўстлик тўғрисида шартнома имзоланган.

2017 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг фармони билан Қозоғистон раҳбари Нурсултон Назарбоевнинг "Эл-юрт ҳурмати" ордени билан тақдирланиши ўзбек халқининг қозоқ элига юксак ҳурмати ифодаси бўлди.

Ўзбекистон ва Қозоғистон ҳамкорлигининг тарихи узун. Жумладан, ярим асрлик тарихга эга бўлган Тошкент шаҳар Бектемир туманидаги 290-умумтаълим мактабида ўзбек ва рус тилларидан ташқари, қозоқ тилида ҳам таълим берилади.

Қозоқ тилига ихтисослаштирилган синфларда ўқувчилар учун ҳамма фанлар қозоқ тилида олиб борилади. Мактаб кутубхонасида қозоқ тилида чоп этилган дарсликлар ва қозоқ адабиётининг ёрқин намуналари саналган китоблар ҳам мавжуд.

Директор Ҳамидулла Азизовнинг таъкидлашича, мактабда қозоқ тилини чуқур қизиқиш билан ўрганаётган ўзбек миллатига мансуб болалар ва ўзбек тилини ўз она тилидек ўзлаштирган

қозоқ миллатига мансуб ёшлар гўё бир миллат вакилларидек аҳил-иноқ бўлишга улгурган. Мактабда дарс берадиган ўқитувчилар ҳам ўзбек, қозоқ, рус миллатларига мансуб бўлса-да, бир-бири билан уч тилда бемалол мулоқот қила олади.

40 йилдан буён қозоқ тили ва адабиётидан сабоқ бериб келаётган Солиҳа Дўсимбетова билан суҳбат чоғида қозоқ миллатига мансуб бу муаллима Ўзбекистондек муқаддас динга хизмат кўрсатаётганидан бахтиёр эканини таъкидлади. Олтмишдан зиёд баҳорни қаршилаган С.Дўсимбетова ўз вақтида мактабда қозоқ тилига ихтисослашган синфлар ташкил қилинишида жонбозлик кўрсатган фидойилардан. У ҳақда ва эл эътирофи этган меҳнати учун 2008 йили Ўзбекистон Республикасининг "Шуҳрат" медали билан тақдирланган.

Мазкур мактаб билан Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети қозоқ филологияси факультети ўртасида ҳамкорлик ўрнатилган. Университет

ESHITDINGIZMI?

"NURLI KELAJAK EXPO"



Nurlil Kelajak Expo-2018

Maktabgacha ta'lim vazirligi

Nurlil Kelajak Ekspo-2018

Milliy ta'lim va ilmiy taraqqiyot vazirligi

Пойтахтимизда илк бор шу номидаги кўргазма бўлиб ўтди. Икки кун мобайнида 300 га яқин фирма ва корхона мактабгача таълим муассасалари учун мебель ҳамда ошхона жиҳозлари, дидактик ўйин-ўйинчоқлар, спорт ва тиббиёт анжомлари, musiқа асбоблари, озиқ-овқат, энгил sanoат маҳсулотларини намойиш этди.

ДЕЛЕГАЦИЯМИЗ
КУЗАТУВЧИЛАР САФИДА

Жорий йилнинг 18 март куни Россия Федерациясида бўлиб ўтадиган президент сайловида иштирок этиш учун Ўзбекистондан халқаро кузатувчилар таклиф этилди. Делегация таркибига мамлакат парламентарийлари, Марказий сайлов комиссияси раиси, Жиззах ва Тошкент вилоятлари ҳокимларининг ўринбосарлари кирган.



ЗЎР ТОМОША БЎЛАДИ!



Келаятган дам олиш кунларида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи барча ҳудудларда Миллий уйинлар фестивалини ўтказди. У сайил форматда ташкил этилиб, минглаб ўғил-қизларни қамраб олиши кутилмоқда.

МАСОФА — 21 КИЛОМЕТР

20 март куни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри кўчаларида ёшлар марафони ўтказилди. Унда иштирок этишни истаганлар 17 мартга қадар www.marafon.yi.uz да онлайн рўйхатдан ўтиши мумкин.



Олмаоталиклар
РЕКОРД ЎРНАТМОҚЧИ



Наврўз байрамида қўшниларимиз дунёдаги энг узун қуроқ кўрпани тикишни мақсад қилган. Унинг ҳажми 25 минг 500 квадрат метр бўлиши кутилмоқда. Қолаверса, шаҳар майдонларининг бирида чойхўрлик маросими ўтказилиб, 20 минг нафардан зиёд меҳмон шарқона ичимлик билан сийланиди.

22 ЁШЛИ ТЕРРОРЧИННИНГ РЕЖАСИ
ФОШ ЭТИЛДИ

Миллий хавфсизлик хизмати Фарғона вилояти бошқармаси томонидан Марғилон шаҳрилик Абдулбосит Аҳмаджоновнинг террорчилик ҳаракатларини амалга ошириш режаси фош этилди.

Абдулбоситнинг отаси Камолиддин ака 2012 йилнинг сентябрь ойида Туркиянинг Истанбул шаҳри Қадикуй туманида кўп қаватли уйларнинг подвездини тозаловчи бўлиб ишлаётган вақтида оиласини, яъни хотини ва фарзандларини Истанбулга кўчиб келишга қўндиради. Абдулбосит

қонунга зид равишда, виза рухсатномасини олмасдан Украинага, у ердан Истанбулга етиб келади, отаси билан подвезларни тозалаб тирикчилик қилади. Кейинроқ бу оила Туркиянинг Бурса шаҳри Ота-турк маҳалласидан қўним топади. Эл кўзидан йироқлашган Абдулбосит Истанбулда

дўст танлашда қаттиқ янглишади. Озиқ-овқат дўконида ишловчи наманганлик Билолиддин Розиков билан (Туркияда "Билол", Сурия давлатида "Абу Умар" лақаби остида фаолият юритган) танишиб, бир-бирларига телеграмм ёзишмалари орқали дўстлашишади. (Давоми 2-саҳифада)

Муҳайё
ТОШҚОРАЕВА,
ЎЗА муҳбири

8 ТА ЯНГИ МЕҲМОНХОНА

Лойиҳаларни 2018 – 2019 йилларда Қорақалпоғистон Республикасида амалга ошириш кўзда тутилган. Шунингдек, Мўйноқ туманидаги Судочье кўли бўйида дам олиш маскани, этно-қишлоқ, Эликқалъадаги Ақчақул ёнида эса, туристик мажмуа барпо этилади.



Ўз ахборотимиз.

BELLASHUV

САРДОРЛАРДАН САРА ТАКЛИФЛАР

Айни кунларда мамлакатимизда
“Энг намунали сардорлар кенгаши”
танловининг ҳудудий босқичлари
бўлиб ўтмоқда

Ш.ОХУНЖОНОВА,
А.САТТОРОВА,
Ш.ШАРОФИЙ

Тошкент вилояти миқёсидаги беллашува йигирмата жамоа иштирок этди. Олмалик шаҳридаги “Металлург” маданият саройида жамланган сардорлар уч шарт бўйича билим ва маҳоратини синовдан ўтказди. Улар тенгдошлари билан

“Камалак” болалар ташкилоти аъзоларини қўллаб-қувватлаш, ташаббускорлик қобилиятини шакллантириш борасида ўзаро фикр алмашди. Шунингдек, ёшлар муаммоларини бартараф эттишга қаратилган



ижтимоий лойиҳалар муҳокама қилинди.

Айниқса, ўқувчиларни мутолаага қизиқтириш, даволатини яхшилаш юзасидан билдирилган таклифлар барчага манзур бўлди.

Оққўрғон тумани жамоаси қолибқилини қўлга киритди.

Бухоро ёшлар марказида ташкил этилган сардорлар беллашуви ҳам мурасасиз кечди. Ҳар бир жамоа сардорлик ҳаракатини ривожлантиришга доир

таклифларини илгари сурди. Иштирокчилар орасида эндигина 2-синфга қадам қўйган ўғил-қизларнинг борлиги, улар ака-опаларидан қолишмай, ҳар бир шартда фаоллик кўрсатгани, айниқса, қувонарлидир.

Биринчи ўринни когонлик ўқувчилар эгаллади.

Танловнинг Навоий вилояти босқичида ўн та шахар ва тумандан сараланган жамоалар ўз имкониятларини намойиш этди. Бахслар икки йўналишда — 1-7 ва 8-11-синфлар ўртасида ташкил этилди.

“Бу — бизнинг фаолият”, “Имкониятларимиз!”, “Интеллектуал ринг” шартлари орқали ўқувчи-ёшлар айни вақтда ўз мактабида қандай лойиҳа ва ташаббусларни амалга ошираётгани ҳақида тўлиқ маълумот тақдим этди. Шу билан бирга, сиёсий, ҳуқуқий билимини синовдан ўтказди.

Иккала йўналиш бўйича 1-урин Зарафшон шаҳри вакилларига насиб этди. Қолибқилган ёшлар иттифоқининг махсус диплом ва эсдалик совғалари топширилди.



22 ЁШЛИ ТЕРРОРЧИНИНГ РЕЖАСИ ФОШ ЭТИЛДИ

(Бошланғич 1-саҳифада)

Билал дўстига Сурияда “Тавҳид ва жиҳод” террористик гуруҳи сафига қўшилганини айтиди ва телеграмм орқали курул кўтариб турган фотосуратларини юборди. Абдулбосит Сурияга кетиш режасини қандай амалга оширишни билмай иккилашиб турганда бало-қазодай бўлиб “Раҳматилло” исми ўзбек йигити қаршида пайдо бўлади. Сирти силки, аммо ичи кин ва фитнага тўла гапларнинг таг-заминига етиб улгурмаган гофил бола бу баттол кимсага ипсиз боғланади. Ва у интернет орқали юборилган жиҳодга оид дарсликлар билан танишиб, Суриядаги жанговар ҳаракатлар акс этган видеороликларни томоша қилиб, жангарилар гуруҳига қўшилганга қарор қилади.

2016 йилнинг январь ойида ота-онасидан яширинча уйдан чиқиб кетади. “Раҳматилло”нинг кўмаги остида Хатай шаҳрига қатновчи автобусга чиқиб Сурияга йўл олади. Буни қарангки, Сурия ҳудудида ҳам уни “Исо” исми ўзбек йигити кутиб олади. Суриянинг Халаб минтақасига яқин ҳудудда “Охун” исми шахснинг қўлига топширади. Шу тариқа

у “Абу Салоҳ” исми шахс бошчилигидаги террористик гуруҳ сафига киради. Абдулбосит террористик гуруҳга қарашли лагерда жанговар тайёргарлик курсида ҳарбий машғулотларда сабоқ олади. Хусусан, қуролларнинг техник харақатини билан танишади. Уларни қисмларга ажратиш, тозалаш ва йиғиш, ўқлаш, мазкур қуроллардан мустақил равишда отиб кўришни ўрганади. “Тойота” русумли автомашини устига ўрнатилган қуроллардан ҳам жанг вақтида фойдаланишни ўзлаштиради.

Бир ҳовуч бойликка эга бўлиш мақсадида кўр-кўрона бировга эргашиб, мараз намойишларда “фаол” иштирок этиб, юзини қора қилиб, ота-онасини тириклайин “гўрга киргизиб”, боз устига элнинг лаънатига учраб ҳаётдан нима маъно топи экан? Бу орада террорчининг онаси интернет орқали ўғли билан мулоқот ўрнатади ва Туркияга қайтиб келишни талаб қилади. Абдулбосит эски гумаштаси билан ёрдам сўрайди. — Туркияга қайтишингиз учун

албатта ёрдам бераман, қадроним, — дейди Билалдин Розиков. — Фақат махсус топшириқ бор. Яқинда гуруҳ етакчилари томонидан Россия Федерацияси ҳудудида портлаш содир этиш бўйича буйруқ берилган. Шу буйруқни бажарсак, мукофоти нақд, нима дейсиз! Абдулбосит бу шартга ҳеч бир эътирозсиз рози бўлади. Билал эса унга бир неча ой давомида “Мутафажжирот” номи курсида портловчи қурималар тайёрлашни ва уларни ҳаракатга келтиришни ўргатади. Ўқув машғулотлар ниҳоясига етганда келишувга асосан Билал Абдулбоситга Туркияга келишини тайинлайди.

— Истанбулга келишингиз билан мана шу телефон рақамига кўнғироқ қиласиз. Сизга паспорт тайёрлаб қўйишади. Россияга чиқариб юбораман. У ерда сизни кутиб олишади, бир хонадонга жойлашасиз. Асосий вазифангизни яхши биласиз. Хонадонда сизни кутиб олган одамларга портловчи қурималар тайёрлаб берасиз. Улар қурималарни сумкаларга жойлаштириб, белгиланган жойларга қўйишади, тушундингизми?! Билал Абдулбоситга

йўл харажатлари учун 100 АҚШ доллари беради. Абдулбосит айланма йўллар орқали араб миллатига мансуб шахслар ёрдамида Туркиянинг Хатай шаҳрига кириб келади. Шу кунни шаҳардаги автовокзалда Истанбул шаҳрига отланаётган вақтида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари томонидан қўлга олинади, уни шахси аниқланмаган фуқароларни вақтинча қайлаштиришда. Ниҳоят 2017 йилнинг 23 июнь кунини Туркия ҳудудида “Истанбул – Тошкент” йўналишидаги авиарейс билан мажбурий тартибда чиқариб юборилади. Ҳўш, бу йигитнинг жиний хатти-ҳаракатларини қандай куч қўллаб-қувватлагани эди, у қандай қилиб жиноят оламини ҳайқилмай кириб бори. Албатта бу куч интернетдаги ўргимчак тўри. У 2014 йил охирида ижтимоий тармоқда рўйхатдан ўтиб, турли диний экстремистик ва ақидапарастлик мазмунидаги видеороликларни тарқатиб келди. Носоголом тарғибот намуналарини профил фойдаланувчиларга тарқатади. Виртуал жамоатга бошқа шахсларни аста-секин

жалб қила бошлайди. Ўзбекистон Республикаси Базирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича кўмита ҳулосасига кўра, Абдулбосит Аҳмаджоновнинг профилида сақланган ва тарқатилган диний материаллар ҳақиқатан ҳам “Тавҳид ва жиҳод” гуруҳига тегишли эканлиги, улар амалдаги давлат тузумини Конституцияга хилоф тарзда ўзгартиришга қаратилганлиги, мамлакатимиздаги жамоат ҳавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материаллар жумласига кириши, уларни Ўзбекистон ҳудудида олиб кириш, тайёрлаш ва тарқатиш тақиқлангани аниқланган.

Суд жараёнида Абдулбосит айбига иқдор бўлган ҳолда, Суриядаги “кечмишларини” батафсил сўзлаб бераркан, бу воқеалар баёнини жангарилар сафиди юрган ўзбек йигитининг онаси ўқиб кўрса, агар унинг қалби бедор бўлса, бутун вужуди титрайди, бола эмас, балони дунёга келтириб, вояга етказгани учун афсус-надоматлар қилади. Дарвоқе, Абдулбосит ўз баёнида онаси билан интернет орқали гаплашиб турганини айтиб, отаси

уни оқ қилиб юборгани учун у билан гаплаша олмаётганини қайд этди. Шу ўринда айтилган, отасига оқ бўлган фарзандни нима деб аташ мумкин!

Суд узининг адолатли ҳукмини эълон қилар экан, жиноятчининг жиний қилмишларини Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг бир неча моддаларига асослашиб баҳолади. Абдулбосит Аҳмаджоновга 15 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Маҳкум жиноят кўчасига кирганида 16 ёшда эди, ҳали вояга етмаган, оқ-қорани ажратиб улгурмаган, Ватан, ота-она қадрини англамаган ўсмир эди. Қўлига курул тутганида, тун кўксини ёриб осмонларга ўқ узганида кўзи қонга тўлган, юрагидан “шайтон ўсимлиги” уни чиққан қайсар ва манкурт жангарига айлиниб бўлган. Бугун у маҳкум, қисматининг чигал ришталарида тириклик завқи, ҳаёт сурури, яшамок саодати, энг муҳими, тинчлик неъматини банданин узилаётган япроқ сингар титраб турибди...

Маъсулдон СУЛАЙМОНОВ,
ЎЗА муҳбири

HUQUQIY TARG'IBOT

ҚОНУНДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ТУШУНТИРИЛДИ

Илгор ХАЛИЛОВ, етакчи

Сирдарё вилояти давлат солиқ бошқармасидаги Ёшлар иттифоқининг бошланғич ташкилоти ташаббуси билан Сирдарё тумани педагогика коллежида давра суҳбати ташкил этилди.

Тадбирда божбона бошқармаси, туман давлат солиқ инспекцияси ҳамда савадо-саноат палатаси

ходимлари қатнашди. Мутахассислар жорий йилда солиқ қонунчилигига киритилган янгиликлар, яқка



тартибдаги тадбиркорлар ҳамда ҳунармандчилик билан

шуғулланиш истагидаги ёшларга яратилаётган имтиёз

ва энгиликлар ҳақида ўқувчиларга батафсил сўзлаб берди.

— Коллежни тамомлагач, оилавий тадбиркор бўлмоқчиман, — дейди Жўрабек Бобожонов. — Тадбир давомида бунинг йўли-йўригини, қаерга мурожаат қилиб, қандай ҳужжатлар расмийлаштириш кераклигини билиб олдим.

Учрашув якунида ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олди.

DUNYO BIZ HAQIMIZDA



АФҒОНИСТОН БЎЙИЧА ТАШАББУСИМИЗ КЕНГ МУҲОКАМАДА

Хорижий оммавий ахборот воситаларида жорий йилнинг 26-27 март кунлари пойтахтимизда Афғонистон бўйича ўтказиладиган “Тинчлик жараёни, ҳавфсизлик ва минтақавий муносабатлар соҳасида ҳамкорлик” мавзудаги халқаро конференция юзасидан материаллар эълон қилинмоқда. Давлатимизнинг мазкур ташаббуси жаҳон эксперт доиралари томонидан қўшни мамлакат ҳукумати ҳамда толибонлар ўртасида тинчликпарвар музокаралар олиб борилиши учун янги имкониятлар яратишга бўлган интилиш сифатида баҳоланмоқда. Қуйида сизларни айрим шарҳлар билан таништириб ўтамыз.

Жаҳонга машҳур “Reuters” ахборот агентлиги Ўзбекистон халқаро анжуманга энг тажрибали дипломатларни таклиф этгани ва шу орқали афғонларнинг ўз хоҳиш-иродаси билан мамлакатда тинчлик ўрнатилишига умид боғлаганини таъкидлайди.

Британияда чоп этиладиган “Daily Mail” газетасининг ёзишчи, халқаро конференцияга БМТ Бош қотиби Антониу Гутерриш, унинг Афғонистон бўйича махсус вакили Тадамити Ямамото, Европа Иттифоқи, Хитой, Россия, АҚШ ва бошқа кўп давлатлар ташки сийсат маҳкамаларининг иштирок этиши кутилмоқда.

“The New York Times” газетаси эса, яриқ сиёсий форум Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ташкил этилаётганига ургу

берган. Америкадаги яна бир яриқ нашр — “US News” расмий Тошкент Афғонистон масаласида фақат бир марталик тадбирни ўтказиш билан қифояланмай, қўшни мамлакатда барқарорликни таъминлаш мақсадида ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама музокараларни давом эттиришга шайлигини қайд этган.

Сингапурнинг “Today” газетаси форум якунида имзоланиши кутилаётган Афғонистон бўйича Тошкент декларациясига алоҳида эътибор қаратган. “Мазкур ҳужжатда қуролли муҳолафат Афғонистоннинг сиёсий ҳаётига кафолатли интеграция қилиниши ҳамда терроризмнинг ҳар қандай шакл ва кўринишларини қоралашга даъват ўз ифодасини топади” — деб қайд этилади мақолада.

ПИР НАҚИБ УР-РАҲМОН: “ЎЗБЕКISTON ЯНА ИСЛОМ ОЛАМИНИНГ ДИНИЙ ВА МАЪРИФИЙ МАРКАЗИГА АЙЛАНИШИ МУМКИН”

Равалпинди шаҳрида Ўзбекистоннинг Покистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Фурқат Сидиқов шу мамлакатдаги “Нақшбандия” ордени етакчиси Пир Нақиб ур-Раҳмон билан мулоқотда бўлди.

Таъкидлаш керак, ушбу мартабали зот Заҳридин Мухаммад Бобурнинг туғридан-туғри авлоди ҳисобланади. Суҳбат жараёнида у дунёдаги миллионлаб одамлар учун маънавий раҳнамо бўлиб келаётган Имом Бухорийнинг бебаҳо илмий-маърифий меросини ўрганиш, шунингдек, нақшбандия тариқати мазмун-моҳиятини дунё аҳлига англаштириш борасидаги саъй-ҳаракатлари учун Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевдан беҳад миннатдор эканини айтиди. Пир Нақиб ур-Раҳмоннинг фикрича, давлатимиз томонидан диний таълим ҳамда зиёрат туризми соҳаларида олиб борилаётган очиқ сиёсат ва самарали ислохотлар натижаси ўларок, келгусида Ўзбекистон яна ислом оламининг диний ва

маърифий марказига айланиши мумкин. — Макка ва Мадина шаҳарларидан кейин фақат Ўзбекистон Имом Бухорий ва Баҳоуддин Нақшбанд, Етти пир каби зиёрат учун муносиб қадамжолар билан фахрлана олади, — дея таъкидлар экан, уламо “Нақшбандия” ордени вакиллари юртимиз бўйлаб саёҳат қилишга ҳам чорлади.

Айтиш жоиз, айни вақтда Покистондаги элчихонамиз томонидан жорий йилнинг апрель ойида Ислмобод шаҳрида нақшбандия тариқати бўйича халқаро конференцияни ўтказиш таклифи қўриб чиқилди. Ўз навбатида, Пир Нақиб ур-Раҳмон мазкур форум Ўзбекистоннинг бой тарихий-маданий меросига бўлган қизиқишни янада оширишга ишонч билдирган.

“Жаҳон” АА материаллари асосида тайёрланди.

BAYRAM SHUKUHI

ДОШҚОЗОН ҚАЙНАР, ВАРРАКЛАР УЧАР...

Роҳатой ҚОДИРОВА

Баҳорнинг гўзал айёми — Наврўзи олам арафасида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ёшлар сайилларини ўтказмоқда. Куни кеча мазкур лойиҳа Навоийнинг Қизилтепа туманида кўтаринки кайфиятда амалга оширилди.

Ёшлар сайилларини ташкил этишдан бош мақсад эртаминг эгаларининг миллий қадриятлар, анъана ва урф-одатларга садоқатини кучайтириш, узаро меҳр-оқибатли бўлиш ҳамда ҳамжихатликка ундашдан иборат.

Қизилтепа туманидаги маданият ва аҳоли дам олиш масканида йиғилган икки минг нафардан зиёд йигит-қиз, шу жумладан, Иттифокнинг етакчи сардорлари Наврўз билан боғлиқ турир тадбир ва маросимларда фаол иштирок этди.

Бонинг бир бурчида пазанда қизлар "Очил дастурхон" лойиҳаси доирасида ўзлари тайёрлаган баҳорий таомлардан меҳмонларга улашди. Шунингдек, ёш ошпазлар ўзбекнинг шоҳ таоми — палов тайёрлаш буйича

маҳорат сабоғини олди.

Инсоннинг эпчиллиги, куч ва матонатини синовдан ўтказувчи ажойиб қадриятларимиз — арқон тортиш, тош кўтариш, кураш мусобақалари, хўрозлар жанги, шунингдек, чиллак ва ланка ўйинлари биронта ҳам кишини бефарқ қолдирмагани рост. Беллашувларга енг шимариб киришган ўнлаб ўқувчиларнинг завқини кўрсангиз эди. Ҳақиқий байрам аслида мана шунақа бўлади!

Варрак учирини мусобақаси, сўзсиз, ёшлар сайлига ўзгача кўрк бағишлаган ва беҳисоб томошабинни ўз атрофига жамлаган тадбирга айланди. Аввал болалар учун варрак ясаш буйича маҳорат дarsi ўтилди. "Учар илон"лар тайёр бўлгач, ҳар ким ўз меҳнат маҳсулини



ҳавода синаб кўрди. Энг уққур варракларнинг соҳиблари турли номинациялар буйича тақдир-

лангани ҳам алоҳида эътиборга моликдир. Миллий либослар дефилеси



доирасида қизилтепалик ёш дэзайнеру чевар қизлар янги ижод намуналарини халқ ҳўкмига ҳавола этиб, кўпнинг олқишига сазовор бўлди.

"Наврўз ва ёшлар" мавзуидаги расм чизиш танлови ҳам ижодсевар тенгдошларимизга манзур бўлганига шубҳа йўқ. Иштирокчилар Наврўз сюжетини ранг-баранг, муҳими, бир-бирини такрорламайдиган ифодаалар орқали асфальт ҳамда ватман қоғозларида акс эттиришга ҳаракат қилган.

Лойиҳада фаол қатнашган



йигит-қизлар кун поёнида Ёшлар иттифоқи туман кенгашининг махсус диплом ва эсдалик совға-

лари билан тақдирланди. Ёшлар сайиллари вилоят бўйлаб давом этмоқда.

JAMOATCHILIK NAZORATI

МУАММОЛАР ЕЧИМИГА КАМАРБАСТА

Наргиза РАҲМАТУЛЛАЕВА

Президентимизнинг 2017 йил 8 августдаги "Худудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ юртимизда аҳолини қийнаётган муаммоларни ҳал этишнинг янги механизми яратилиб, амалиётга татбиқ этилди.

Шунга кўра, вилоят, туман ва шаҳарлар тўртта секторга бўлинди. Ҳар бир секторни ҳоким, прокуратура, ички ишлар ҳамда давлат солиқ хизмати органлари раҳбарлари бошқармоқда. Бошқача қилиб айтганда, улар худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш, мавжуд камчиликларни аниқлаб, бартараф этишга бевоқифа масъул.

Республикаимиз аҳолисининг саломати қисмини ёшлар ташкил қилишини инобатга олсак, сектор раҳбарлари уларнинг да муаммолари ечимига ҳам камарбаста экани ўз-ўзидан аёнлашади. Хусусан, эртаминг эгаларини қонунга итоаткор-



Вилоят, туман ва шаҳарлар тўртта секторга бўлинган. Ҳар бир секторни ҳоким, прокуратура, ички ишлар ҳамда давлат солиқ хизмати органлари раҳбарлари бошқармоқда. Улар худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш, мавжуд камчиликларни аниқлаб, бартараф этишга бевоқифа масъул.

лик руҳида тарбиялаш, соғлом турмуш тарзига кўникириш, бандлигига кўмаклашиш каби муҳим вазифалар ҳар қайси секторнинг диққат марказида. Айтиш керак, хонадонларга таширф, юзма-юз мулоқотлар ва сайёр қабуллар жараёнида фуқаролар томонидан кўтарилаётган масалалар, қолаверса, уларнинг фикр-муносабати, муносабатларининг мазмунини обдон ўрганилиб, тўпланган маълумотлар асосида "йўл хариталари" тайёрланапти.

Юқоридаги қарорнинг Сурхондарё вилоятидаги ижросини ўрганиш мақсадида айрим

туманларга йўл олиб, бир қанча секторлар фаолияти билан танишдик.

Музработ тумани ички ишлар бошқармаси бошлиғи чекидаги учинчи секторга қарашли худудда ўн битта маҳалла мавжуд бўлиб, жами 47 минг 166 нафар аҳоли қамраб олинган. Шундан 24 минг нафардан зиёди ёшлар. Ҳафтанинг ҳар чоршанба куни сектор раҳбари фуқароларни бевоқифа қабул қилади. Жорий йилнинг дастлабки икки ойи мобайнида штабга 103 та мурожаат (жумладан, 51 таси ёшлардан) келиб тушган. Салкам юзтаси қаноатлантирилди. Қолгани вилоят аҳамиятидаги ташкилотларга тақдим этилган.

Сектор вакиллари маҳалла-маҳалла юриб, юзлаб хонадонларга кириб чиқмоқда. Шу зайдда туманда 110 нафар ишсиз ёш борлиги аниқланган. 75 нафарнинг бандлиги таъминланди.

— Урганиш давомида, Ҳа-

Узун туманидаги "Оқтум-шўқ" маҳалласида истиқомат қилаётган Соатмумин Олимов мазкур худудга бириктирилган учинчи сектор раҳбарига тадбиркорлик қилиши учун ижарага жой топишга қийналаётганини айтиб, ёрдам сўраган. Масала Ёшлар иттифоқининг маҳаллий кенгаши кўмағида ўз ечимини топти — қисқа фурсатда С.Олимовга бўш бино ажратилди. Умуман олганда эса, шу чоққача секторлар кўмағида узунлик 24 нафар йигит-қизнинг мурожаати ижобий ҳал этилди.

Шу билан бирга, аҳолини қийнаётган бошқа масалаларга ҳам оқилона ечим топилаган. Масалан, "Уланқул" маҳалласи фуқаролари узоқ йиллардан буюн тоза ичимлик сувини кўтиб яшаётганди. Ниҳоят, ўнлаб хонадонларга оби ҳаёт етказиб берилди. "Файзаво" ва "Файзобод" маҳаллалари аҳлининг зовур қазийш, темир устуналарни алмаштиришга доир мурожаатлари ҳам ерда қолиб кетгани йўқ. Бундай мисолларни яна давом эттириши мумкин.

Яна бир гап: сектор раҳбарлари фаолиятини ҳолисона баҳолаш ҳамда улар зиммасидаги вазифаларнинг самарали бажарилишига эришиш мақсадида Сурхондарё вилояти ҳокими ташаббуси билан турли касб эгаларидан иборат "Жамоатчилик назорати" гуруҳлари тузилди. Улар таркибига фаол ёшларнинг ҳам киргани алоҳида эътиборли жиҳатдир. Гуруҳлар муттасил равишда жойларда ўрганиш ишларини олиб бормоқда. Яқинда жамоатчилик вакиллари Олтинчи туманида бўлди.

— Учинчи секторга қарашли "Хўжасоат" маҳалласидаги 19-умумтаълим мактабига кириб, спорт тўғраги фаолияти билан танишдик, — дейди "Жамоатчилик назорати" гуруҳи аъзоси, Республика Маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими раҳбари Фирдавс Шарипов. — Миллий кураш билан шугулланаётган болаларга спорт гилами (мат) ва кийимлари етишмас экан. Кўп ўтмай, вилоят ҳокимлиги кам-кустни бутлаб берди.

Кўриниб турганидек, бугун турли даражадаги раҳбарларнинг халқ билан тез-тез учрашиб, жонли мулоқотда бўлаётгани ижобий самара бераётир. Шаксиз, юртошларимиз бундай ўзгаришлардан мамнун. Бир нарса аёнки, агар шу юрт тақдирига биронтамиз ҳам бефарқ қарамай, бирдам бўлсак, жон куйдириб, меҳнат қилсак, тараққиёт сари, албатта, иддамайимиз.

BOLALAR SPORTI

АҚЛЛИ "ЮРИШ"

Худудларда "Ёшлар шахмат тахтаси" анъанавий очиқ турнири давом этмоқда

Равшана ҚҮРЯЗОВА,
Малик СИНДОРОВ

Мусобақанинг Хоразм вилояти босқичи мurosасиз баҳсларга бой ўтди. Урганч шаҳридаги Ёшлар марказида тўпланган 144 нафар шахматчи бир-бирдан қизиқарли партияларда нималарга қодирлигини рўй-рост намойён этди.

Эслатиш керак, жорий йилдан бошлаб турнир аввалгидек беш эмас, балки олтига ёш тоифасида ўтказилмоқда. Беллашувларда 19 ёшгача бўлган болалар қатнашиши мумкин.

Ҳаяжонли дамлар ортада қолгач, ҳакамлар ҳайъати натижалар сарҳисобига киришди. Тўпланган очколар йиғиндиси буйича 12 нафар ўғил-қиз мусобақа финалида йўлланмани кўлга киритди. Барча голиб ва совриндорлар Ёшлар иттифоқи томонидан диплом, статүэтка ҳамда китоблар жамланмаси билан тақдирланди.

Сурхондарё ёшлари шатранж тахтасида донна суриш бобида анойилардан эмас экан. Ҳарқалай, куни кеча "Ёшлар шахмат тахтаси" турнирини томоша қилиш мақсадида воҳанинг турли бурча-



қларидан вилоят марказига йиғилган юзлаб тенгдошларимиз бунга шахсан ишонч ҳосил қилди. Улар мусобақа жараёнини бошидан-охиригача ҳайрату ҳаяжон билан кузатиб борди.

— Бундай пайтда инсонда шахматга ростмана қизиқиш уйғонади, — дейди Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Сурхондарё вилояти кенгаши спорт, саломатлик ва ёш оилалар билан ишлаш бўлими мудири Акбар Холмирзаев. — Лойиҳанинг асл мақса-

ди ҳам шу — ўғил-қизларни имкон қадар спортга кенг жалб қилишдир. Ақд чархи ҳали ҳеч кимга зиён келтиргани йўқ.

Якуний натижаларга кўра, Нозима Саъдуллаева ва Исломбек Исломов; Умида Қўрбонова ва Абдушўкур Абдуамжидов; Севинч Турдимуродова ва Шахриддин Иззатуллаев; Мунира Раҳмонова ва Абдулазиз Менглиёзов; Лайло Чоршанбиева ва Мирзабой Саидмуродов, шунингдек, Фариди Холиёрова ҳамда Хусан Тожибоев ўз ёш тоифаларида 1-ўринга сазовор бўлди.

IMKONIYAT

750 нафар ўқувчи саёҳатга отланди

Шаҳзода ДҮСТОВА

Ёшлар иттифоқининг Навоий вилояти кенгаши ўқувчилар учун юртимизнинг

турли худудларига саёҳатлар ташкил этмоқда.

Навоий ва қарманлик 750 нафар йигит-қиз кўҳна Самарқанд ва Бухорони зиёрат қилди. "Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!" шiori

остида ўтган сафарда улар икки шаҳарнинг кўпгина тарихий ёдгорликлари билан танишиб, қизиқарли маълумотларга эга бўлди.


Навбатдаги саёҳат учун Шаҳрисабз шаҳри танланган.

КЕЧ УЙФОНГАН ВИЖДОН



Раҳмат БОБОЖОН

Рўзиқул ОЧИЛОВ,
Республика ёш ижодкорлар кенгаши аъзоси



Автовбусда ёнимга ўттиздан сал ошган, оғир меҳнатнинг захридан юзи сўлиган, чаккасида оҳак изи қолган бир киши оғир сумкасини олдига қўйиб ўтирди. Қурувчи бўлса керак, деб тахмин қилдим. Шу лаҳзада қўлидаги болалар учун мўлжалланган уч-тўрт китоб эътиборимни тортди. У китоблардан кўзини узмасди. Бош бармоғига боғланган доқадан сизиб чиққан қон китоб муқовасига текканини кўриб безовталанди. Чўнтакларини ковлаштириб, дастрўмолини тополмагач, қўйлагининг ени билан китобдаги қонни артди.

— Болаларингизми? — қизиксиндим.
— Ҳа, ўғлимга, — деди у юзимга мамнуният билан.
— Китоб совға қилиб тураркансизда?
У чуқур хўрсинди.
— Охириги марта 7-синфда ўқитганимда уйга китоб кўтариб борганим. Яқинда отам қазо қилди. Энди яна олиб боришман, ўзим ўқимадим, ўғлим ўқисин.
Ўртага оғир сукунат чўкди. Сўхбатни қандай давом эттиришни билмадим. "Ғалати одам

экан. Отасининг нима алоқаси бор китоб олиш-олмаслигига?" деб ўйладим ичимда. У эса, худди хаёлимдагини уққандек сўзлашга тушди.
— Етти йил синф сардорлигини ҳеч кимга бермадим. Ҳамма фанлардан аълога ўқирдим. Устозларининг мендан умиди катта эди. Аммо... Китобдан бош кўтармайдиган боланинг келажакда гишт ташиб, сувоқчилик қилиб юриши кимнинг хаёлига келибди! Синфдошларининг ҳаммасидан орқадаман. Улар ҳар

кунни кўнгли тусаган нарсани олиб қияди. Мен бўлсам икки йилнинг бадалиде битта кўйлак оламан... Биламан, нима учун бундай бўлгани ҳақида сўрамоқчисиз. Отамни китоб ўқиб, билим олишим эмас, мол-қўйларни боқиб еки кўни-қўшининг у-бу ишига кўмаклашиб, турт-беш сўм пул топишим кўпроқ қизиқтирарди. Агар уйда мутолаа қилаётганимни кўрса, менга индамасди-ю, онамга жаҳл қилиб, уриб-сўқарди. Мен туфайли воқеанинг кўнгли ранжишини ҳеч ҳам истамас-

дим. Мактабдан келибқо далага югурардим, отам қувонсин, деб. Фақат кечалари китоб ўқирдим. Бир кунни китоб билан далага кетдим. Мутолаага берилиб кетиб сизиримиз пахта даласига тушганини билмай қолибман. Раис уйимизгача келди, отамни уришди, у эса, аламини онамдан олди... Эртаси кунни мактабдан қайтсам, онамининг юзи кўкарган...
— Болам, отангдан китобларингни асраб қоламсан, — деди рўмоли билан юзини яшириб. Сумкамни ташладим-у, кўчага

югурдим. Уша кунни кечгача қўш-ниларнинг қандай хизмати бўлса, бажариб пул тўпладим. Уйга жуда кеч келдим. Отам ҳам, онам ҳам ҳали ухламаган экан. Қўлимдаги бир даста пулни отамга тутдим. Отам онамга қараб:

— Бу болани китобидан айирсам, одам бўлади демаганмидим! Кўрдингми? — деди.

Шу бўйи бир ой мактабга бормадим. Ҳар кунни отамни хўрсан қилавердим. Муҳими, энди онамининг юзи кўкармасди. Устозларининг қистови билан яна мактабга чиқдим. Бироқ ўқишдан совиб бўлганим. Дарс пайтида ҳам нима қилсам, пул топишим мумкинлиги ҳақида ўйлардим. Отам ўйлаганчилик бўлмади-ю, яшайман ҳар ҳола.

Бугун бир синфдошимникида ишладим. Салом берганим, зўрға бармоғининг учини тутди. Кун бўйи қилган меҳнатимга шу китобларга етдиган пул берди. Бу қақалар арзимас, лекин фарзандим китоб ўқиб келажакда ўқимишли бўлса, меҳнатим учун тўланган энг қиммат ҳақ шу-да.

Сўхбатдошим сўзини яқунлаб бекатада тушиб қолди. Унинг ортидан термулиб, бир пайтлар дадам туғилган кўнимда чиройли муқовали китоб ҳаяя қилгани, мен эса, бундан кўп ҳам қувонмаганимни эсладим. Уша китоб ҳали ҳам ўқилмай турибди. Уйқуга кетган виждоним уйғониб қолди — автовбус мени тезроқ манзилга элтса-ю, энди қадарини аяглаб етган совгамни қўлимга олсам...

Шоир одам

У гонорарининг сўнги чақасини ҳам сарфлаб бўлди. Чўнтагида ҳеч вақо қолмади.

— Етар, чарчадим, энди ёзмайман! — деди қаламини синдириб.

Кейин кўчага чиқди. Излай-излай, биронта ҳам "одам" топмади. Яна уйга кириб, синдириган қаламини қидиришга тушди...

Ҳақиқат

— Энг бахтли одам ким? — сўради у қўлидаги "сеҳрли кўзгу"га қараб.

— Сен, — жавоб берди кўзгу.

— Ким? — яна қайтарди у.

— Сен.

— Ким? — деб учинчи бор сўраганида, "у", деган жавоб келди.

Жаҳл билан қўлидагини отиб юборди. Кўзгу чилпарчин бўлди.

— Синди, шекилли. Зарари йўқ, бошқасини оламан...

"Мен дўст"

— Чин дўст оғир дамба ташлаб кетмайди, тўғрими? Мен дўстинга содиқ қолиб, ўрнига қамқоққа утирдим. У ҳеч қачон менга хиёнат қилмайди!

У "ҳақиқий дўст" эканини исботлади — кўп ўтмай дўстининг севган инсонига уйланиб олди.

Бахтиёр она

— Уч қизнинг бахтиёр онаси экансиз-да!
— Ҳа, — ҳорғин жавоб берди она. — Уларнинг шу "бахтиёр онаси" бор, ҳолос.

ҲАЙОТ МАНЗАРАЛАРИ

Бувимнинг сабоғи

Сайёра ТҮЙЧИЕВА

Бувимни қўшни келинлар ҳам яхши кўрарди. Бирор оилавий ташвиши чиқса, уйимизга келиб, маслаҳат сўрарди.

Бир кунни қўшни ҳовлидан аёлнинг йиғиси эшитилди. Билсак, эри хиёнат қилиб, уч нафар фарзанди билан ташлаб кетибди. Қўшнимиз бувимдан кетаманга тушиб қолган

келинига насиҳат қилишни сўради. Бувим шундай деганди:
— Эринг билан яшаб нима қиласан? Ота уйингга кет! Шунда қайнонанг ҳам қийналмайди. Ахир, эр кўчадан меҳр излаганда, хотин уни уйга қайтариш чорасини топиши керак. Сен эса, буни хоҳламайсан. Демак, кетаверсанг ҳам бўлади.
Бу гапдан кейин аёлнинг юзи доқадек оқарди. У индамай уйига кириб кетди.
Ҳар бир одамнинг феъл-атворига қараб муомала қиладиган бувим шу тарзда бир оилани асраб қолган. Ҳа, "Қари билганини пари билмас", деб бежиз айтишмайди. Орамизда ҳаёт хикмати уққан нурунийлар кўп бўлса, юртга нур ёғилари.

БИР ШИНГИЛ FALSAFA

Алҳамбек АЛИМБЕКОВ

Шошқалоқлик

Бир-икки кунлик илмқ бунларнинг шабадаси дарахт қуртақларини хўп эркалади. Майинликдан хушбахт бўлган гўнчалар эртароқ лаб ёрди. Афсус, кейинги кечалаги қора совуқ уларни уриб кетди.

Қувиш

Ёруғликдан узоқлашган сари соя катталашади ва йўқолиб кетади. "Катталик" ортидан қувиб юрганлар, соянгизга ҳам разм солинг!..

MULOHAZA UCHUN MAVZU

КУТУБХОНАГА ҚУЛФ ОСМАНГ!



Мардона ЗОКИРОВА,
ўқувчи

Кадимдан китоб ўтмиш ва келажак ўртасида маънавий кўприк вазифасини бажарган. Одамлар матнларни аввал хайрон териси, кейинчалик матоларга битган. Замонлар оша бу соҳа ривожланиб, қоғоз кашф қилинди. Китоблар босма усуналарда чоп этила бошланди. Аста-секин уларни жамлайдиган зиё масканлари — кутубхоналар пайдо бўлди.

Кейинги йилларда юртимизда китобхоналик маданиятини оширишга қаратилган бир қатор муҳим давлат ҳужжатлари қабул қилинди. Барча шароитлар муҳайё, оқилона фойдаланиш керак, ҳолос. Бебаҳо адабий меросга эга халқимиз. Уни асраб-авайлаш, аввало, китобга меҳр қўйишдан бошланади, назаримда. Демак, кутубхоналарга бўлган эҳтиёж бундан кейин ҳам ортиб бориши аниқ.

Таън олиш керак, тенгдошларимизнинг барчаси ҳам мутолаасевар эмас. Айрим ўқувчилардан охириги марта қандай асар ўқидинг, деб сўрасангиз жавоб беришга қийналади. Ҳаттоки кутубхонага қачон кирганини ҳам эслолмайдиганлар бор. Беш қўл баробар эмас. Бази ҳолларда билимга чанқоқ ёшлар ўз таълим муассасидаги кутубхонадан фойдалана олмаслигини айтиб, қуйилади. Сабаби энг керакли пайтда бундай масканларнинг эшигига қулф осилади-да.

Юқоридаги эътирозга мен ҳам қўшилман. Шундай кутубхоналар борки, уларнинг асосий вазифаси фақат китоб жамлаш ва сақлашдан иборатдек гўё. Ўқувчининг талаб ва эҳтиёжи эса, иккинчи даражали. Бадий асар сўраб келганларни турли баҳоналар билан қайтариб юборган кутубхоначилар ҳақида ҳам эшитганмиз. Китобларни авайлаш керак, деб ўтираверсак, ёшлар уларни қачон ўқиб, магзини чақади?! Бу кетишда телевидение, радио ва матбуот орқали тинмай узатилаётган китоб ўқиш ҳақидаги чоролар куруқ бўлиб қолиши аниқ-ку!

Коллеждаги курсдошим бадий адабиётга ҳуши йўқлигини кўп такрорларди. Яқинда қўлида Ўткир Ҳошимовнинг "Дунёнинг ишлари" асарини кўриб қолдим. Саломлашиб улгурмасимдан, у китоб ҳақидаги таассуротларини сўзлай кетди. Кейин билсам, асарни қўшнисидан олган экан. Тез фурсатда қайтариб бе-

риши керак. Ҳайрон бўлдим. "Нега кутубхонадан сўрамадинг?" — десам, янги адабиётлар уйга берилмаслигини айтиб, чуқур хўрсинди. Ана ҳолос! Ёнингга бир навроста билим оламан, деб келса-ю, унинг раъйини қайтарсанг, бебаҳо хазинадан баҳраманд бўлишига имкон яратмасанг, шу адолатданми?! Кутубхона музей эмаски, ундаги нодир жаҳоирларга қўл теккизиб бўлмас. Ёки китоб чинни буюмми, уни тоқчага териб қўйиб, томоша қилиб ўтираверсак. Китоб йиртилади ёки йўқолади, деб кутубхонани қулфлаб ўтиришга кимнинг ҳаққи бор, ахир?! Ундан кўра, кутубхоначиларимиз ўғил-қизларга китобни эҳтиётлашни, мутолаа маданиятини ўргатса, нур устига нур бўларди.

Ҳар қайси таълим масканининг юраги бўлиши кутубхона ўқувчилар учун доимо очик туриши керак. Шунда мутолаага иштиёқманд ёшлар кўпаяди. Интеллектуал авлод эса, элу юртининг бойлигидир.

БИЛАСИЗМИ?



Аёллар орасида биринчи мартабухоролик зардўз уста Мурсасар Темирова "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвони ҳамда "Олтин юлдуз" медалига сазовор бўлган.



Туркиялик Сабиҳи Гёкчен дунёдаги биринчи ҳарбий учувчи аёл ҳисобланади.

PSIXOLOG MASLANATI

— Ўғлим тўрт ёшда. Эртақ ўқиб берсам, негадир, умуман тинглагиси йўқ. Яхши гапириб, эркалаб тинч ўтиришга кўндирмоқчи бўламан. Аммо бефойда. Хавотирдаман, нима қилсам бўлади?

Дилафрўз ОДИЛОВА
Тошкент шаҳри

Саволга психотерапевт-психолог Зебинисо АҲМЕДОВА жавоб берди:

— Аввало, боланинг ёшига мос эртақ танлашни тавсия қиламан. Аммо уни бир жойга михлаб қўйиб, эртақ эшитишга мажбурланманг. Яхши, бирон иш орасида, масалан, таом тайёрлаётганда уйинчоқлари ҳамда узини иштирок эттириб эртақ айтиб беринг.

Ҳозирги болалар телевизор, телефон билан узвий "мулоқот"да



улғаймоқда. Бунга мойиллик ҳомила пайтида ноқ шаклланади. Ҳомиладор аёл ниманики курсга, ҳис қилса, туғилажак фарзанди ҳам таъсир қилади. Тинимсиз телевизор кўриш, телефонда сўзлашиш она учун ҳам, бола учун ҳам зарар.
Дилбандингиз билан имкон қадар кўпроқ жонли мулоқотда бўлинг. Саволларига эринмай жавоб қайтаринг. У меҳрингизни доимо ҳис қилиб турсин. Шунда эртақ тинглашни ҳам, албатта, ўрганади.

МУАССИС
ЎЗБЕКISTON ЁШЛАР ИТТИФОҚИ
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2017 йил 2 августда № 0242 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.
БОШ МУҲАРРИР
Каримов Фахриддин Турдалиевич

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ
Камолиддин Бекназаров, Мансур Бекмуродов, Лазиз Тангриев, Мадамин Сафаров, Алишер Саъдуллаев, Дилмурод Набиев, Азим Мирзажонов, Нодир Абдуқодиров, Наргиза Умарова — бош муҳаррир ўринбосари ("Yoshlar ovozi"); Ирина Кочергина — бош муҳаррир ўринбосари ("Молодежь Узбекистана"); Елена Калинина — масъул котиб ("Молодежь Узбекистана").

Дизайнерлар
Рўзиёв Зафар Хусанович
Абдуллаев Хуршид Уктамонович
Навбатчи
Санжар Эшмуродов

«YOSHLAR OVOZI»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт. Таҳририятга келган қўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Таҳририят манзили: 100029, Тошкент, Тахрирчилар кўчаси, 32.
Телефонлар: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97, (371) 233-79-89 (факс).
E-mail: yoshlarovozi@umail.uz
«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Босмахонасида, А-2 форматда чоп этилди. Ҳафти — 2 босма табоқ.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41.
Индекслар: 203, 3203
Баҳоиси келишилган нарҳда.
Буғрича Г-338
Адаби — 27229
Биланга телефонлар вақти — 21.00
Телерадио — 23.30
Ҳақ нархи — 23.20
Объект усунлида босилган